



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي قَالَ فِي كِتَابِهِ: "وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا"، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِهِ الَّذِي قَالَ: "مَا عَالَ مَنْ اقْتَصَدَ" وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ وَمَنْ تَبِعَهُمْ بِإِحْسَانٍ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ أَمَّا بَعْدُ

### ТЕЖАМКОРЛИК – ЯРИМ РИЗҚ

(2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”)

**Мухтарам жамоат!** Ислом дини мусулмонларга ризқларини ҳалол меҳнат қилиб топишга ва оила аҳллари нафақа билан таъминлашга тарғиб этгандир. Шунга биноан, ҳар бир мусулмон киши ўзи учун муносиб касб танлаши ва шу касби орқали ризқини истамоқлиги лозим. Бир куни саҳобалардан бири Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдан: Ё Расулуллоҳ! Энг ҳалол касб қайси? – деб сўради. Он Ҳазрат: **“Киши ўз қўл меҳнати билан қилган амали ва ҳалол савдодир”**, деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад ривояти). Бошқа бир ҳадисларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ فَيَأْتِيَ الْجَبَلَ بِحُزْمَةٍ مِنْ حَطَبٍ عَلَى ظَهْرِهِ ، فَيَبِيعُهَا فَيَسْتَعِينِي بِهَا خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ أَعْطَوْهُ أَوْ مَنَعُوهُ (رواه الإمام البخاري).

яъни: **“Бирортангиз арқонини олиб, тоғу-тошдан бир боғ ўтин териб келиб, уни сотиб, шунинг пули билан кифояланиши одамлардан тиланиб, улар унга ё бериб, ёки бермаганларидан кўра яхшироқдир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Динимизда ҳалол касб қилиб оила боқиш энг катта савобли амал даражасига кўтарилган. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисда шундай дейилган:

روى كعب بن عجرة رضي الله عنه قال: مرّ رجل على النبي ﷺ ، فرأى أصحاب رسول الله ﷺ من جلدته ونشاطه ما رأوا، فقالوا: يا رسول الله لو كان هذا في سبيل الله؟ فقال رسول الله ﷺ : إن كان خرج يسعى على ولده صغاراً فهو في سبيل الله وإن كان خرج يسعى على أبوين شيخين كبيرين فهو في سبيل الله وإن كان خرج يسعى على نفسه يعفها فهو في سبيل الله وإن كان خرج يسعى رياءً ومفاخرةً فهو في سبيل الشيطان (رواه الإمام الطبراني).

яъни: Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу айтадилар: Бир йигит Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтди. Унинг кучини ва ғайратини кўрган саҳобалар: Ё Расулуллоҳ! Қани энди бу куч ва ғайрат Аллоҳ йўлида бўлса эди? – дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар у ёш болаларини деб кўчага чиққан бўлса, демак у Аллоҳ йўлида, агар қария ота-онасини деб кўчага чиққан бўлса, демак у Аллоҳ**

*йўлида, агар у ўзининг иффатини сақлаш учун чиққан бўлса ҳам, у Аллоҳ йўлида. Аммо, ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун чиққан бўлса, у ҳолда шайтон йўлида бўлади*”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

**Мухтарам азизлар!** Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا وَأَحْسِنْ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ وَلَا تَبْغِ الْفُسَادَ فِي الْأَرْضِ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُفْسِدِينَ

яъни: “Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас”, (Қасас сураси, 77-оят).

Инсонлар ризқ топиш ва касб қилиш борасида бир неча тоифага бўлинадилар. Масалан, бир тоифа инсонлар ризқ топиш учун касб қилиш ўрнига одамлардан тиланиб кун кўришни, тиланчиликни ўзлари учун тирикчилик манбаига айлантириб олганлар. Динимиз тиланчилик қилишдан қайтарган бўлиб, бу борада юқоридаги ҳадис ворид бўлган. Бошқа бир ҳадисда айтилишича, ансорийлардан бир киши Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига тиланчилик қилиб келади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: **“Уйингда бирор нарсанг борми?”** деб сўрадилар. У: Ҳа, остимизга солиб ўтирадиган бўйра ва сув ичадиган хумчамиз бор, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уларни олиб кел”**, дедилар. Олиб келгач, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уларни кўлларига олиб: **“Бу иккисини ким сотиб олади?”**, деб сўрадилар. Бир киши: Мен бир дирҳамга оламан, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким бир дирҳамдан кўпроқ беради?”**, деб икки-уч марта такрорладилар. Бошқа бир киши: Мен икки дирҳамга сотиб оламан, деди. Расулуллоҳ икки дирҳамга сотиб, пулни ансорийга бердилар ва: **“Бир дирҳамига оиланга таом сотиб ол, иккинчисига эса, болта сотиб олиб олдимга келгин”**, дедилар. Болтани сотиб олиб келгач, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга ёғочдан соп ясаб бердилар ва: **“Энди бориб ўтин териб сотгин ва ўн беш кун меннинг кўзимга кўринма”**, дедилар. Ўн беш кун ўтин териб, сотиб ўн дирҳам даромад қилди. Унга кийим-кечак ва таом сотиб олди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **“Мана бу ишинг қиймат куни юзингда тиланчиликнинг асаридан доғ пайдо бўлишидан кўра яхшироқдир. Тиланчилик фақат уч кишига мумкин: ўта қашшоқ кишига, ночор қарздор кишига ва зиммасида товон тўлаш мажбурияти бўлган кишига”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Иккинчи тоифа кишилар касб қилиш, ризқ топиш экан деб ҳалолдан ҳаромини фарқ қилмайдилар. Бундай кишилар охир-оқибат қилган ишларидан пушаймон бўлиб, ҳасрату надоматда қолишлари аниқ. Чунки, ҳаромдан топилган молда барака бўлмайди, эҳсон қилган билан қабул бўлмайди, дуо қилса дуоиси ижобат бўлмайди. Уламолардан бирлари шундай деган:

لَوْ قُفِّمَتْ فِي الْعِبَادَةِ قِيَامَ السَّارِيَةِ مَا نَفَعَكَ حَتَّى تَنْظُرَ مَا يَدْخُلُ بَطْنَكَ

яъни: “Гарчи ибодат вақтида устундек қотиб турсангда, то қорнингга кираётган луқмангга эътибор бермагунингча ибодатингдан фойда йўқ”.

Учинчи тоифа кишилар касб қилишда ҳалол йўлни тутадилар ва топаётган молу давлатларида Аллоҳнинг ҳаққини ҳам адо этадилар.

**Мухтарам биродарлар!** Инсоннинг қилаётган ҳалол касби гарчи одамларнинг назарида ҳақир, бировлар менсимайдиган даражада бўлсада, ўзгалардан тиланиб, бошқаларга боқиманда бўлишдан яхшироқдир. Зеро, инсон ўзгаларга қарам бўлмаслик билан ўз ор-номусини асрайди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтадилар:

مَكْسَبَةٌ فِيهَا دَنَاءَةٌ خَيْرٌ مِنْ سُؤَالِ النَّاسِ، وَإِنِّي لَأَرَى الرَّجُلَ فَيُعْجِبُنِي شَكْلُهُ، فَإِذَا سَأَلَتْ عَنْهُ فَقِيلَ لِي: لَا عَمَلَ لَهُ، سَقَطَ مِنْ عَيْنِي (رواه الإمام ابن عبد البر في التمهيد).

яъни: “Энг паст касбни қилиш ҳам одамлардан тиланчилик қилиб юришдан яхшироқдир. Мен бир одамни кўриб, унинг кўринишига ҳавасим келса, унинг нима касб қилишини сўрайман. Шунда менга: У ишламайди, деб айтишса, назаримдан қолади” (Имом Ибн Абдулбар ривояти).

Инсон касб қилар экан, топган молу давлатини тежаб, иқтисод қилиб сарфлашни ҳам билиши лозим. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"مَا عَالَ مُقْتَصِدٌ قَطُّ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ الطَّبْرَانِيُّ وَالْإِمَامُ الدَّرَاقُطْنِيُّ).

яъни: “(Нафақада) *ўртача бўлган киши ҳеч ҳам камбағал бўлмайди*” деганлар (Имом Табароний ва Имом Дорақутний ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ مَرْفُوعًا: "لَا يَعْجَلُ أَحَدٌ عَلَى قَصْدٍ وَلَا يَبْقَى عَلَى سَرْفٍ كَثِيرٍ" (رواه الإمام أبو الشيخ الاصبهاني).

яъни: “*Иқтисод қилган кимса фақирлик кўрмас, исроф қилиш билан кўп мол ҳам қолмас*”, – деганлар (Имом Абу Шайх Асбахоний ривояти).

Абдулмалик ибн Марвон қизи Фотимани Умар ибн Абдулазизга никоҳлаб бераётганида: Қизимга қанча нафақа берасан? – деб сўради. Шунда Умар ибн Абдулазиз: Икки гуноҳнинг ўртасидаги савобни, деб жавоб берди ва қуйидаги оятни ўқиди:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا

яъни: “**Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар**, (тутган йўллари) **бунинг ўртасида – мўътадилдир**” (Фурқон сураси, 67-оят).

Демак, барча соҳаларда бўлгани каби иқтисодий жабҳада ҳам мўътадилликка риоя қилиш керак бўлади.

### **ИЛОВА: Дафнга оид баъзи масалалар ҳақида**

➤ Маййитни дафн қилиш фарзи кифоядир. Қабрни лаҳад шаклида кавланиши суннатдир. Яъни, инсоннинг гавдаси бўйича чуқур кавлаб тушилгандан кейин қибла томондан лаҳад кавланади. Унинг чуқурлиги кўкрак баробарича бўлиши керак. Агар ундан чуқурроқ бўлса, янада яхши. Эни ярим қомат, яъни бир метрга яқин, узунлиги эса маййитнинг қомати баробарича бўлиши лозим. (“Оламгирия”, “Муҳит”).

➤ Агар қабрни лаҳад шаклида ковлашга ернинг юмшоқлиги ёки қумли тупроқ экани сабабли имкон бўлмаса, “шаққ” кўринишида, яъни ёрма гўр

кавлаб, дафн этиш ҳам мумкин. Бунда ариқ казигандек ер очилади ва икки ёни хом ғиштлар билан уриб чиқилади. Маййит қўйилгач, устига тегмайдиган қилиб ёғоч, тахта ёки шох-шаббалардан “шифт” ясаб, устидан тупроқ тортилади. Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл раҳматуллоҳи алайҳнинг берган фатволарига кўра, баъзи юмшоқ тупроқли ерларда лаҳад ёки ёрма қабр қовлашнинг имкони бўлмагани учун нимадан бўлса ҳам тобут (кути, сандиқ) ясаб, маййитни унга солиб кўмиш мумкин. Агар темирдан ясалса, унинг ичига аввал тупроқ тўшалади, устки қисми ёрма қабр усти каби ёпиб, лой билан суваб қўйилади. Маййитнинг ўнг ва чап томонларига хом ғишт терилади. Шундай қилинса, лаҳадга ўхшатиш бўлади. Лаҳадга пишиқ ғишт ишлатиш макруҳдир (“Оламгирия”, “Қозихон”).

➤ Аёл киши жасадини лаҳадга қўйишга ҳаммадан кўра унинг маҳрамлари ҳақлироқдир. Улардан кейин маҳрам бўлмаган қариндошлари авлодир. Агар улардан ҳеч ким бўлмаса ёки қўйишни уддалай олмаса, бегоналар қўйиши жоиз бўлади. (“Оламгирия”, “ал-Баҳрур-роик”).

➤ Қабр устига турли рамзий иморат қуриш, ўтириш, ухлаш, босиб юриш, таҳорат ушатиш, кўкариб турган гиёҳларни юлиш ёки чорва молларини ўтлатиш макруҳ ишлардан саналади. Мақбара тиклаш, қабр тоши қўйиб, унга ёзувлар битиш масаласидаги уламоларнинг ихтилофи асосан, оддий мусулмонларнинг қабрлари тўғрисида бўлган. Аммо машҳур азиз-авлиёлар, дунёга танилган олиму уламоларнинг қабрлари эса, зиёратчилар руҳий таассурот олсин, кейинги авлод учун уларнинг мазорлари ибрат манбаи бўлсин, деган эзгу мақсадда ўзлари васият қилмаган ва хоҳламаган бўлсаларда, бошқалар томонидан тикланса, обод қилинса, зарари йўқ, балки кўп манфаатли жиҳатлари борлиги учун рухсат берилган.

➤ Тобутни ерга қўйишдан олдин ўтириб олиш макруҳ ҳисобланади.

➤ Дафн маросимидан кейин дарҳол тарқаб кетмай, бир оз вақт (яъни, туя сўйилиб, гўшти тақсимланадиган миқдорча) дуо, Қуръон тиловати билан ўтириш мустаҳаб амаллардандир (“Оламгирия”).

**ИЛОВА:** Ўтган ҳафтада **“Вақф”** хайрия жамоат фонди томонидан “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар мадрасасининг 10 нафар талаба қизларига 27 000 000 (йигирма етти миллион) сўм ўқув шартнома пули ва 17 000 000 (ўн етти миллион) сўмлик диний-маърифий китоблар ва аудио дисклар, аёллар кийими учун газламалар, шунингдек, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида оқ қон (лейкоз) беморлигидан даволанаётган 39 нафар беморга 1 000 000 (бир миллион) сўмдан жами 39 000 000 (ўттиз тўққиз миллион) сўм, жами **83 000 000** (саксон уч миллион) сўм миқдорда хайрия қилинди.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳалолдан касб қилиб, ҳаромдан ҳазар қилишга, озига қаноат қилиб, кўпини ўзгалар билан баҳам кўришга муяссар қилсин!

*Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси **“ЖИНОЯТЛАРНИНГ АСОСИ”** мавзусида бўлади. Жамоатга эълон қилишингизни сўраймиз.*